








XX АСР ҲИКОЯ УСТАЛАРИ

Онелио Хорхе КАРДОСО кубалик ёзувчидир. Ўз ватанида уни Бош ҳикоячи дея атайдилар. У бутун умри давомида фақат ҳикоя ёзган. Асарлари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима этилган. Энг муҳими, унинг услубида ҳикоя айтиши ва ҳикоя ёзиши санъати уйғунлаштирилган, ёзма ва оғзаки жанр аъёнлари умумлаштирилган. Ҳикояларида ранглар ва оҳанглари ифодаси этивор. Рамзлар ва метафоралар бағоят теран ва аққол. Пабло Неруда уни Американинг энг яхши ҳикоянависларидан бири дея атаган эди.



Ҳиндистонлик шоир Камар Райис номи ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Ўзбекистонда адабий алоқаларида Камар Райиснинг ўз ўрни бор. Камар Райис билан ўзбек адаблари дўстлиги 30-йиллардан бошланган. У киши Ойбек, Фафур Фулом, Шайхзода, Зулфия каби мумтоз шоирларимиз билан мулоқотда бўлган. Узоқ вақт ўзбекистонлик адаблар билан бирга ишлаган. Ҳиндистонда ўзбек адабиётини тарғиб қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

Камар Райис Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданияти маркази директори бўлиб ишляпти. Август ойида Ҳиндистон республикаси ўз мустақиллиги эълон этилган кунини нишонлайди. Камар Райис жаноблари эса 65 ёшга тўлдилар.

Шу муносабат билан эътиборингизга Ҳиндистонлик адиб Камар Райис шеърларини ҳавола этаёلمиз.

Камар РАЙИС ЖАМНАНИНГ ТЎЛҚИНЛАРИ

Бизнинг дилбар ёзининг дилбар шомиди Жамна соҳилида учрашдик икков. Мовий тўлқинларга ташна боқамиз, Икки дил тўрида икки хил олов.

Тўлқинда ўтмиш бор ҳамда келажак, Тўлқин серҳаяжон, ундадир бойлик. Мовий мавжларида серҳаяжон кема Оҳиста-оҳиста сузар чиройлик

Кемалар сузмокда, ипак иллари Қабиҳ сирларини очмокда сувга. Унда шаҳзодалар гариб гўзалнинг Кўйрак тугмагарин ечмокда сувга...

Коронгу тугмади, тўлқин сатҳида — Чўқади денгизнинг тубига орзу. Бўйрак орзуларни ўз елкасида Узоқ-узоқларга ташиб кетар сув.

Зулматли тунларда бевақт меҳмондек Дунёга келди бевақт гудаклар. Тўлқинлар-чи, беун, бепарво, бедард Аста тебранади. Уйнар юрлар.

Авлиё, дарвешлар, роҳиблар гўё — Шу тўлқинлар каби яшаб ўтганлар. Жамна соҳилида қанча пайгамбар — Сувга муҳаббатни ташлаб кетганлар.

Канчалаб тўлқинлар кирғоққа сапчиб Инсон севгисини олди баррига. Гоҳ эса ғазабдан дилларни янчиб, Дучор бўлди миллион одам қаҳрига?!

Кимлардир гуноҳин ювганлар унга, Тўлқинлар тинмайин оққанлар аммо. Тўлқинлар давж уриб оқверганлар, Тўлқинлар доимо поку мусаффо!

Нечун сув ҳозир ҳам шаффоф ва тоза? Не учун гуноҳлар қамаймас? Нега? Нечун ханузгача қирсу гараз бор? Баъзилар разилдир тубандир нега?


Ким айта олади, баъзилар нега — Нафрат юки билан яшайди мудом?! Зулфия

Зулфия, о Зулфия! Барча: булбул дейди, сени хушнаво, Бу айни ҳақиқат, эй нури вафо, Шеърят жаҳонин кўксига моҳсан. Хоҳ юртинг, хоҳ сафар, хорижда хоҳ сан — Турли овозларни тинларкан, шу тоб Уларнинг барига берасан жавоб — Ҳар битта овознинг ўз лаҳжасида.

Зулфия, о Зулфия! Мурожаат қилдилар сенга доимо Уртаниб: ишқ, тинчлик, қонли жанг аро; Отасиз қолган қиз, ғамдийда она — Фарзанди доғида қалби вайрона; Қони-ла чаманин суғорган боғдон; Ер узра жаннатлар яратган инсон. Барча чорлашларга жавоб бердинг сен.

Зулфия, о Зулфия! Сен дунё равақин кўрасан ҳар чоғ, Лекин дардига ҳам соласан қулоқ, Мисру Африка, Ҳиндистон, Ветнам Буюк юрагингда яшар бари ҳам. Улар дардларига қалбинг ошиён; Жаҳон дарди учун вужудинг қарвон, Шеъринг шу қарвоннинг кўнғиргоғидир.

Зулфия, о Зулфия! Биламан сенинг ҳам аламларинг бор, Рухингда жовидон фиروق нолакор — Қалбнинг чўғ каби куйдирар бари. Лекин шунча кўпки жаҳон дардлари, Ўз дардинг овозин базўр тинглайсан, Ижодинг санамин тинмай тиклайсан. Оташ юрагининг ёлқинларидан, Зулфия, о Зулфия!



ФАХРИЁР ФИЛИМ СИЁҲИНИ ШИМАДИ ВАРРАК

Мен — минг йил япроғин тўкмаган дарахт, Мезонга сочаман зардим — заримни. Минг йил ғаладонда сарғайган варақ Шимади дилимнинг сиёҳларини.

Юракни толдирди шеърлар ҳижрони, Мухтасар умримда узун бир суқун. Сўзларим — саҳобам минг йил бу ёни Дилинги рафторидан сўзламади — гунг.

Не-не ҳижрат ўтди, гуноҳлар ўтди, Ўтди мен енгилган бадр жанглари. Ёзмаган шеърларнинг хунлари тутди.

Энди мен баҳормас, ҳазон истарам. Қушлар уйғотмаган куз тоғларига Мен бир шеър истарам, азон истарам.

Хаёт, сен шаробсан, майсан бир сузим, Ингирма тўрт йилки тўймадим, аё. Юрар май ичинда нимадир юзиб, Соқиб, айш қаён, оддий кун қаёни?

Гоҳо тўйиб кетар севгимдан аёл, Кўзёшлар тўйдирар — ичгум бир ўзим. Мен сендан, барибир, тўймасман, ҳаёт, Кўзинг оч, кўзим оч. Очкўзим — кўзим.

Тахир бир шаробсан, о ширин ҳаёт, Сабрини қосасига сени қуярман, Ичарман кўзёшини ичганим каби.

Тотинг унутмагай ёдим умрбод Сени қуяр жомим, нимкосам — сабр. Мен унга аёлнинг исмин ўярман.

XX АСР ОДАМИ (А. Вознесенскийга назира) Тўхтадим. Кўланка йўлимни тўсар, Наҳотки, бу ўзимнинг соям? У лаҳзама - лаҳза ўсар, Дам-бадам каттарар тун каби гоят...

Олд — зимистон. Юриб бўлмас. Хайрона турдим, Орта қараб (муздай тер босди танимни). Қувиб келайтган юракни кўрдим, Юрак ўзимники эди. Танидим...

АКСИЛЭКОЛОГИЯ Пайхон қилар одамни экин, ташбих надур, далаларнинг ўзи бий. Чўллар уни қуллаб боради, ё раббий.

Одам кетиб борар, худоларга етмайди доди. «Қизил китоб»га уни ёзмокча эса йўқ экиннинг саводи.

Офтоб нури сочала — танга, Гулим, суманбарим, қайдасан? Капалак қанотлари — гўшанга, Ўртада муҳаббат — бир қасам.

Кўйлақлар тикади нилуфар, Гулларни куйдириб қиярсан. Ёсуманлар сенади ифор, Ортингдан чечаклар иярар.

Камалак — эгинида бекасам, Белбоғимни тугар куртаклар, Сандувочлар берар уй ясаб.

Сўфитўрғай қияди никоҳ, Давом этар кўҳна эртақлар, Мажнун бўлган шу толлар гувоҳ...

ЗАНГЛАГАН ТЕМИР

Лукас чол бармоқларини занглаб ётган плуг лағжи сурди. Темирдаги бармоқ изларига қараб, плугнинг қочонлардан буён бекор ётганини чамалай кетди. Орқадан бировнинг келаятганини эшитиб, ўғрилди, илкис ялтироқ солдат тумгаларни курди.

— Лукас, капрал қақирапти, сизга янглик бор. Лукас қариб қартайган ҳолига қарамай, дик этиб қақсон оёққа қалқди. Солдатга алагда боқди. У эса бошқа лом-лим демади, қайрилди-кетди. Лукас ингирма ойдан буён юрагини уртаётган саволини сурашга улгурмади, оғзидаги оғзида, бугзидаги бугзида қолди, серрайди-қотди.

Лукас уйига борсами, бу янгликни кампир ва қизларига айтсами. Йўқ бу уйдан қайтиб, отига йўналди. Лаҳза утмай оёқларини узангига илди. Шу дам умрида биринчи марта апелсин дарахти баланглиги мулжалини ололмади, боши шохчаларга урилди: шляпаси сийририлди, бўйни ва қулоқлари шилинди. Жаҳли чиқиб, отига қамчи босди.

Шляпасига илашган апелсин барглари шамолда от саргисига учиб тушайтир. Апелсин барглари... Лукас хаёлини ўн беш йил бурун кечган воқеаларга элтди...

Ушанда уззукун шамол эсаверар, кетма-кет ёмғир ёғаварди. Қизиган ер ҳарсиллайди, нафасининг ховури баланд. У қадоқ бўлиб кетган узун бармоқлари билан чуқурча қавладида, угли Фернандонинг қулига апелсин қучатини тутқазиб:

— Кучатни чуқурроқ ўтқазиб, пойлаб юрвер. У усади, дарахт бўлади. Сен эса ундан даста ясаб, плугга солсан.

Шу сузлар бажо бўлди. Дарахтининг биргина новдаси бор эди, уғил ингирма иккига тўлганида кесдилар. Дарахт пуслгоғини ўз қу-

жим-жит кечди. Кампир ўглининг бўйига осилиб хайрлашди-да, уйига кириб кетганича йигирма ой мобайнида бир марта ҳам остона хатлаб эшикка чиқмади. Лукас отнинг ёнига доғур йигит билан бирга борди. Уғил нима деярни билмай каловланиб қолдимми ёки ичидида ҳажжонини сиртига чиқаргиси келмадимми, ҳартўғул плугга имо қилиб, бебухш илжайди.

— Ота, мен келгунимча янги дастага тега қурманглар. Уни ўзим ишлатаман. Ҳаммаси шундай бошланди. Сўнг миш-мишлар тарқалди.

— Айтишларича, ер ёрилиб, тилка-пора бўлаётган эмиш.

— Нимасини айтасиз, биродар, билмайман, табиатга нима жин урди, ҳеч қачон бундай қаттиқ қурқоқчилик бўлмаган эди.

— Тавба, ишонгингиз келмайди. Нималарни уйлаб топшимади-я. Солдатлар бу ёқдан у ёққа, у ёқдан бу ёққа гурогурсотиб тепкилаверганларидан ер қозондай қизиб кетганмиш, экилган уруғлар тупроқни ёриб чиқолмаётган эмиш.

Уч-тўрт одам тупланган ҳар қаерда шу гурунг. Аммо бу тўғрида Лукас қолғина уз фиркага эга. Шундай чоғларда у оғзига кучи етмаганларга ўшиқаради.

— Бекорга ҳадеб ваҳима қилгандан қура, ишласаларинг-чи. Эмиш-эмиш, нима эмиш?! Кўп гап эшакка юк... эмиш...

Бундай гапларни айтиши мовий тоғлар ортида кечаётган воқеаларга ҳақиқатан ҳам қўл силташдай туюлар эди. Ростини, унга нима? Энг муҳими шуки: Фернандо умуман ёлгон гапирмаган, у: «Уйга қайтиб келиб, плугни ўзим ишла-

шундай гуркирадиларки, гулзордаги оқ гуллардан-да қалин эдилар. Ушанда капрал Перес сажармардондоқ қария Лукасни йўқлаб келди.

— Энди унинг қаерларда дайдиб юрганини киши билмайди, — деди қора қийган кампир эшиқдан муралаб. — гоҳ тамаки растасида, гоҳ қурада, аммо ҳеч ким билан гаплашмаслик учун доимо авлоқ ерларда юради.

Капрал кампирга миннатдорчилик билдирди ва отини шакарқамиш плантацияси бўйлаб йурттириб кетди. Кўп утмай қолни учратди. У қудўқнинг ёғоч деворига суяниш утириб, плуг дастасини бушатиб оломқода эди.

Капрал занглаган омонга бир муддат тикилиб қолди. Лукаснинг тепасига келди. Отидан сакраб тушиб, жиловни эгарнинг қошига илди.

— Лукас бобо, аҳволлар қалай? — Қуриб турибсиз-ку. Майда-чўйда ишларни эрмак қилиб утирибман. — Чолнинг гапирини оҳанг секин, бироқ жиддий эди. Бу товуш унинг илгариги гапирини сира ушамас, бу Лукас бурунги Лукас эмас эди. Айни чоғда у бажарайтган ишига астойдил берилган эди.

— Лукас, биласизми, мен сиздан ёрдам сўраб келдим.

— Эшитаман, қулогим сизда. — Гап шундаки, катта балиқ кичкина балиқни ёйди деганларидек, раҳбарият бизни акамизни исканжадек қисувга олган. Бугун тахта келтиришни, эртага зудлик билан руйхат тузишни талаб қилишади. Ҳаммаси буйруқ асосида. Ит итга, ит қуйруғига буюради. Бажаришга биз рупара. Паложмон тоши тушган ерига оғир.

— Ҳа, сенъор тўғри айтасиз. — Энди-и... Биласизми, уруш ҳамон давом этаёпти.

— Нега билмас эканман. — Ҳууш, бизнинг ёрдам шундан иборатки, металлон, яъни ташлаб юборилмаган, яроқсиз нарсаларни йигиб топширишимиз керак, масалан, эски темир-терсақларни...

— Тушунди, сенъор. — Дангалини айтганда, бу борада мен бошқалардан орқада қолшимизни истамайман. Ҳеч бўлмаса, арзимас эски-туски темирларни топши зарур. Афсус, саноат районида яшамаймиз-да. Йўқса, истаган заводим билан гаплашиб, бундай нарсаларни уюб ташлардим.

— Турги айтасиз, сенъор. — Умуман олганда... — капрал тўтилиб қолди, Лукаснинг тиззалари орасида турган омонга тикилди. — Бир булак, икки булакдан топсам ҳам, харна, йиғаввераман. Балки сиз ҳам бирон нима берарсиз, айтайлик, мана шу омонни...

— Капрал, мана шу омончимиз? — Худди шундай. Яна унга бирор нарса қўшсангиз, агар топилса.

Лукас капралдан қуларини узмай жим қолди. Бармоқлари плугнинг ёғоч дастасини қаттиқ сиқди, секин гап бошлади.

— Айтинг-чи... Бу темир сизларга нима учун керак? — Ҳм, урушда ғалаба қозониш учун. Қанча темир йиғсанг ҳам барибир етмайди, дейишяпти...

— Етмайди, улдириш учун етмайдимиз? — Жуда турги айтдингиз.

Икковиям жим. Капрал Перес чолнинг қуларидидаги ифодани илғай олмади, қайсибир олис ёқларга термулиб қолди бу қулар. Капрал ушбу нигоҳини тушунмади. Шу тобада унинг миясига қўйилмақом бир фикр келди. Балки бу гап Лукасга ҳам мойдай ёқар:

— Эҳтимол, бу темир сизнинг ўглингизни улдирган одамни улдиришга ишлатилар. Ҳаёт шунақа, Лукас. Хар нарсанинг вақти-соати бор.

Чол ёрдан ўсиб чиқаятгандек секин-ин уридан турди. Қуларни угли билан хайрлашган кундаги каби ғалати чарақларди.

— Капрал, мени ўглимни улдирган ҳалиги йигитнинг ҳам ёши йигирма иккидами? Уни ҳам ота-она шўрлик, уйига қайтишини пойлаб утирибдимми?

— Лукас, ахир у душман-ку. — Чол бошқа ҳеч не сўрамади. У плугни қутариб, болтни тортиди, бушаган гайкалардан темир омончи сегириб олди — қулидаги худди шу занглаган темирни қутариб қудуққа юрди.

Лолу хайрон бўлган капрал орқасидан бақирди қолди. — Нима қилаясиз, Лукас? — Чол ҳеч нима демади. Унинг урнига қудуқ тубидан чиққан бугиқ шалоқлаш жавоб берди. Лукаснинг қуллари бум-бум эди. Кесилган жойи ҳали битмаган шохини қўёшга қузиб турган апелсин дарахтидан ясалган дасталарни ёрдан олиш учун ўғрилди.

Рус тилидан Рустам МУСУЛМОН таржимаси



